ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Жоллыбекова Индира Бахытовна
Қорақалпоқ Давлат Университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ассистенти

Халқаро майдонда давлатларнинг ҳамкорликда аниқ бир муаммони ҳал этишда улар иштирокида тузилган халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар – муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида тузилган, тегишли органларга эга бўлган, аъзо давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ҳамда халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилган давлатларнинг уюшмасидир. Халқаро ташкилотларни туркумлаш ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати; ташкилот фаолиятининг кўлами; ташкилот фаолиятининг мавзуи; ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти сингари белгилар бўйича ўтказилади.

Халқаро ташкилотлар халқаро тизимнинг таркибий қисмидир. Табиийки, халқаро тизимнинг ривожланиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган ижтимоий тараққиёт қонунлари умумий тарзда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини ҳам белгилаб беради. Халқаро ташкилотлар давлатлар томонидан аниқ мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун тузилиб, муайян ҳуқуқ доирасига эга бўлади, бу ҳуқуқ доиралари низомда қайд этилади. Халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари тушунчаларини аниқлаб олиш зарурдир. Халқаро ташкилотларнинг мақсадлари хилма-хил. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган. ИКАО халқаро авиация муаммоларини ўрганиш, фуқаро авиацияси учун халқаро нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ҳаво йўлларида учишнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида таъсис этилган. Мазкур ҳаракатларнинг йиғиндиси Халқаро ташкилотларнинг вазифасини ташкил этади. Булар ахборот, норматив, назорат ва амалий вазифалардир. Халқаро ташкилотларнинг бюджети аъзо бўлган давлатлар бадаллари ҳисобига тўлдирилиб берилади. Ҳар бир ташкилот бадаллари бюджетга ажратиш тартибини ўзи белгилайди[1].

Биринчи халқаро бирлашмаларнинг яратилиши ва пайдо бўлиши эр.авв. VI асрнинг бошларига тўғри келади. Бундай бирлашмалар ўзида шаҳар ва уюшмаларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқни ўзида ифода этган (мисол учун, Лакедемон ва Делосс Симмахиялари).

Лакедемон симмахияси эр.авв. VI юз йиллигида Пелопоннеснинг уюшма ва шаҳарларининг иттифоқи сифатида яратилган. Иттифоқнинг бошида Спарта турган. Олий иттифоқ органи умумиттифоқ йиғини (силлогос) бўлган. Ушбу йиғин йилда бир марта Спарта томонидан ўтказилган. Иттифоққа аъзо бўлган барча шаҳарлар ўзининг қанчалик катта ёки аҳамиятлигидан қатъий назар бир овозга эга бўлганлар. Масаланинг ҳал этилиши кўпчилик овози билан амалга оширилган.

[1] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. -Т.: Адолат, 2010. -505 бет.

Биринчи халқаро иқтисодий ва божхона бирлашмаларининг пайдо бўлиши халқаро ташкилотларнинг барпо этилишига муҳим тарихий босқич сифатида ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, XIII ва XVII асрлар мобайнидаги Ганзей савдо иттифоқи Болтик денгизида, қисман Шимолий денгиз ва Шимолий Европанинг катта қисмида савдо монополиясини ўрнатган савдогарлар бирлашмаси блоки бўлган.

XIX асрнинг бошларида эса Герман божхона иттифоқи тузилган бўлиб, ўзаро божхона тўсиқларни бартараф этиш мақсадида тузилган аксарият немис давлатлари иттифоқини ўзида акс эттирган. Иттифоқ чегараларида ундирилган солиқлар асосида умумий ғазна ташкил этилган бўлиб, унинг даромади иттифоқ иштирокчилари ўртасида аҳолига тенг пропорционал тақсимланган. Бироқ, ушбу бирлашмалар халқаро ташкилот бўлмаган[1].

Глобаллашув, интеграциялашув, ўз навбатида, бундай ташкилотларнинг мавқеини янада мустаҳкамлади. Глобаллашув, аввало, иқтисодий, технология, коммуникация, фан ва транспорт соҳасидаги трансчегаравий ўзаро алоқаларни (ҳамкорликни) янада кучайишига олиб келди. У, гарчи турли даражада бўлсада, ўзаро боғлиқликнинг жамулжам тизимида деярли барча давлатлар, жамиятлар, ташкилотлар, актёрлар, индивидлар гуруҳини ўз ичига олди. Буларнинг барчаси хавф-хатар ва таваккалчиликлар: иқтисодий, халқларнинг кўчиши (миграцион), оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, жиноятчилик, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқаларнинг дунёвий қўшилиб (чатишиб) кетиши билан бирга кечмоқда. Шу тариқа, глобаллашув кўп томонлама дипломатиянинг аҳамиятини ортишига, айни пайтда унинг мураккаблашишига имкон яратмоқда.

Халқаро муносабатларнинг аксарият жиддий муаммолари кўп сонли давлатлар, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни уларни ҳал қилиш учун жалб қилади. Ҳозирги халқаро ташкилотлар иккита асосий турга бўлинади: ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўрни муҳим, уларнинг барчаси давлатларнинг турли соҳалардаги мулоқотига ёрдам беради.

Халқаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг мақсадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошқалар келишилган шартномага асосланган бўлади.

Халқаро ташкилотларга шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади, яъни улар ўз ваколатлари чегарасида турли битимлар тузадилар. Шартномалар тузиши ҳуқуқи икки хил йўл билан: ташкилот вазифа ва мақсадаларидан келиб чиққан ҳолда исталган шартномаларни тузиш ҳуқуқини берувчи умумий низомда ёки алоҳида ваколат орқали мустаҳкамланади. Ундан ташқари халқаро ташкилотлар дипломатик алоқаларга эркин ва мустақил киришиш, ўз ваколатхоналарини давлатларда очиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Масалан 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ ўртасида иқтисодий ўсишнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий соҳанинг илдамлашига ёрдам бериш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадларини кўзлаб БМТнинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи қўшма ваколатхона тузиш ҳақида битим имзоланган эди.

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида халқаро ташкилотлар ўз фаолиятлари натижасида келиб чиқувчи зарар учун жавобгардирлар ва даъво билан мурожаат қилишлари ҳам мумкин. Давлат ички ҳудудида халқаро ташкилотлар юридик шахс мақомида иш олиб борадилар. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Уставининг 39-моддасида ХМТ юридик шахсга тегишли барча ҳуқуқлардан, жумладан, шартномалар тузиш, кўчмас ва кўчувчи мулкка эгалик қилиш ва судга мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланади, дейилади. Халқаро ташкилот органлари унинг таркибий қисмлари ва бўлинмалари ҳисобланади[2].

БМТнинг фаолиятига асос солувчи ҳужжатлар сифатида БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948й.), Геноцид жиноятчилигида жазолаш ва уни олдини олиш бўйича Конвенция (1948й.), Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пакт (1966й.), Ядро қуролининг тарқалмаслиги ҳақида Битим (1968й.), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989й.), Иқлим ўзгариши ҳақидаги БМТ конвенцияси (1992й.), Киото Баённомаси (1997й.) ва Мингйиллик Декларацияси (2000й.) эътироф этиш мумкин.

Халқаро тизимда БМТнинг ҳозирги роли ҳақида турли фикрлар мавжудлигини қайд этиш лозим:

[1] Вылегжанин А.Н. Международное право. –Москва: Юрайт, 2010. -348 б.
[2] Саидов А. Халқаро ҳуқуқ. -Т.: Адолат, 2001. –Б. 168.

-БМТ қуролли можароларни бартараф этиш ва халқаро келишмовчилик ва жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги ўз вазифаларини аллақачон бажаролмай қолди;

-БМТнинг ҳеч қандай муқобили ҳозирча мавжуд эмас, бошқача айтганда, минтақавий ташкилотлар алоҳида минтақалар манфаатларини ифода қиладилар, улар кўпинча тўғридан – тўғри бир – бирига зид бўлади, шу сабабли бутун жаҳон ташкилотисиз можароларни ҳал қилишнинг умумий меъёрлари ва йўлларини ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.

Низомда белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган, Ташкилот фикрга кўра, уларни бажаришга қодир барча тинчликсевар давлатлар БМТнинг аъзоси бўлишлари мумкин. Ушбу мажбуриятлар, тинчлик пайтида бўлгани каби можаро шароитида ҳам, халқаро майдонда давлатлар ҳамкорлигининг ҳар қандай кўринишига алоқадор бўлган муайян вазиятларда давлатнинг атвори (ўзини тутиши) қоидаларига дахлдордир. БМТнинг келажаги ушбу ташкилот тизимининг янада самарали ишлашини таъминлаш, янги халқаро сиёсий маданиятни белгилаш учун қандай чоралар кўрилишига боғлиқ[1].

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил 2 март куни аъзо бўлди. БМТ билан асосий устувор ҳамкорлик масалалари хавфсизлик ва замонавий таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалмаслиги, Афғонистонда тинликни тиклаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш, жумладан, Орол денгизи муаммосини оқибатларини енгиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг терроризмга қарши курашиш бўйича 13та конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади ва бу йўналишда жаҳон ҳамжамиятини бирлаштириш йўлида ўзининг ташаббуси билан чиқган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тараққиётни маъқуллайди. Бироқ, терроризмга қарши амалий курашиш фақатгина кўптомонлама глобал ҳамкорлик тизимини яратиш йўли билан эришиш мумкинлигини эътироф этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов "Бугунги кунда барча учун бир ҳақиқат намоён бўлиши зарур: табиийки, ҳеч бир инсон, ҳеч бир давлат барча одмазод учун хавф туғдирувчи ушбу ёвуз кучнинг илдизини йўқотиш йўлида курашишда четда қолиб кетиши мумкин эмас" - деб таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Контртеррористик қўмитасининг ишини маъқуллаб, БМТга аъзо-давлатлар салоҳиятининг мустаҳкамлаш бўйича ҳатти-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ушбу қўмитанинг яратилиши, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг илгари сурган 1999 йил Стамбулдаги ОБСЕ саммитида терроризмга қарши курашиш бўйича Халқаро марказни яратиш зарурлиги ташаббуси асосида амалга оширилган.